

ЎҚУВЧИЛАРНИ СИНФДАН СИНФГА
ВА БИР УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ
МУАССАСАСИДАН БОШҚАСИГА
ЎТКАЗИШ БҮЙИЧА
УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА

Тошкент – 2024 йил

Ўқувчиларни синфдан синфга ва бир умумий ўрта таълим муассасасидан бошқасига ўтказиш бўйича услугбий қўлланма: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, – Т.: 2024. – 17 бет.

Мазкур услугбий қўлланма умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчиларини синфдан синфга ва бир мактабдан бошқасига, шу жумладан ўқувчини хорижий давлатдаги таълим муассасасига ўтказиш ўтказиш тартиби, бунда ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ҳамда таълим соҳасига масъул ташкилотларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилишини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилди.

Қонунчилик ҳужжатлари ўзгариши муносабати билан ушбу қўлланма такомиллаштириб борилади, шу сабабли, қўлланманинг янгиланган санасига эътибор қаратиш лозим.

Ушбу услугбий қўлланма тавсиявий хусусиятга эга.

МУНДАРИЖА

Фойдаланилган норматив-хуқуқий ҳужжатлар.....	4
Умумий қоидалар.....	5
Үқувчиларни синфдан синфга ва бир мактабдан бошқасига ўтказиш тартиби.....	7
Хорижий давлатда таълим олган Ўзбекистон Республикаси фуқаросини Ўзбекистон Республикасидаги мактабга ўтказиш.....	15

ФОЙДАЛАНИЛГАН НОРМАТИВ-ХУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси



Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сон қонуни



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Умумий ўрта таълим тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 140-сон қарори



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларга таълим беришга оид норматив-хуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 638-сон қарори



Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг 2015 йил 2 июндаги “Ўқувчиларни синфдан синфга ва бир умумий ўрта таълим муассасасидан бошқасига ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 13-мҳсон буйруғи



Вазирлар Маҳкамасининг “Болалар масалалари бўйича миллий комиссия тўғрисидаги низомни ва Болалар масалалари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳамда туман (шаҳар) комиссиялари тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 363-сон қарори



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Халқ таълими тизимида давлат хизматлари кўрсатишни янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 295-сон қарори



УМУМИЙ ҚОИДАЛАР



Ўзбекистон Республикаси Конституциясига кўра ҳар ким таълим олиш ҳуқуқига эга. Давлат узлуксиз таълим тизими, унинг ҳар хил турлари ва шакллари, давлат ва нодавлат таълим ташкилотлари ривожланишини таъминлайди. Давлат мактабгача таълим ва тарбияни ривожлантириш учун шартшароитлар яратади.

Конституцияда белгиланган ушбу норма Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида янада мустаҳкамланган. Айниқса ўқувчиларнинг ота-оналарининг фуқаролигидан қатъи назар республика ҳудудида тегишли тартибда мактабларга қабул қилиниши ва таълим олиш ҳуқуқий таъминланганлиги бунинг яққол исботидир.

Узлуксиз таълимни ривожлантириш ўқувчиларнинг республиканинг ҳар қандай ҳудудида таълим олишига бирдай шароит яратиш орқали амалга ошади. Фарзандлари таълим олаётган ота-оналар турли сабабларга кўра республика ичида ёки хориж давлатларга кўчишларига тўғри келиши мумкин. Бу эса ота-оналар билан истиқомат қиласиган таълим ёшидаги фарзандларнинг ҳам ўқишиларини кўчириш заруратини юзага келтиради.

Мактаб ўқувчиларини синфдан синфга ва бир мактабдан бошқасига ўтказиш масалалари умумий ўрта таълимнинг мажбурийлиги ҳамда Ўзбекистон Республикасида истиқомат қилувчи шахсларнинг таълим олиш тилини эркин танлаш ҳуқуқини инобатга олган ҳолда амалга оширилади.

Ўқувчиларни мактабдан мактабга ва синфдан синфга ўтказишда бир қатор омилларни инобатга олиш лозим.



Құлланмада қуийдаги асосий түшунчалар қўлланилади:

давлат таълим муассасаси — давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан давлат мулки бўлган молмулк негизида ташкил этилган, давлат таълим стандартларига ва давлат таълим талабларига мувофиқ таълим берадиган муассаса;

нодавлат таълим ташкилоти — давлат таълим стандартлари, давлат таълим талаблари ва ўқув дастурларига мувофиқ таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берадиган лицензия асосида ёки хабардор қилиш тартибида таълим хизматлари кўрсатувчи юридик шахс;

нодавлат таълим ташкилоти — давлат таълим стандартлари, давлат таълим талаблари ва ўқув дастурларига мувофиқ таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берадиган лицензия асосида ёки хабардор қилиш тартибида таълим хизматлари кўрсатувчи юридик шахс;


синфдан синфга ўтказиш — ўқувчини бир синфдан бошқа параллел синфга ўтказиш;

бир мактабдан бошқасига ўтказиш — ўқувчини бир мактабдан бошқа бир мактабнинг тегишли синфига ўтказиш;

ЎҚУВЧИЛАРНИ СИНФДАН СИНФГА ВА БИР МАКТАБДАН БОШҚАСИГА ЎТКАЗИШ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

Бугунги кунда давлат ва нодавлат мактабларда ўқувчиларни синфдан синфга ёки мактабдан мактабга кўчириш давлат хизматларини рақамлаштириш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги тизимидағи умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчиларини бир умумий ўрта таълим муассасасидан бошқасига ўтказиш бўйича давлат хизмати кўрсатиладиган ҳудудларда ўқувчиларни **синфдан синфга ва бир умумий ўрта таълим муассасасидан бошқасига ўтказиш** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 1 июндаги 295-сон қарори билан тасдиқланган Болаларни давлат умумий ўрта таълим муассасаларига қабул қилиш ҳамда ўқувчиларни бир умумий ўрта таълим муассасасидан бошқасига ўтказиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентига мувофиқ амалга оширилади.



Ягона интерактив давлат хизматлари портали



Үз

Үқувчиларни умумтаълим
мактабларига онлайн қабул қилиш
ва бошқа мактабга ўтказиш тизими
[Рўйхатдан ўтиш](#)

Үқувчиларни умумтаълим мактабларига онлайн
қабул қилиш ва бошқа мактабга ўтказиш бўйича
худудлар рўйхати [Худудлар рўйхати](#)

Мактабни
қидириш



Мактабгача ва мактаб таълими
вазирлиги платформаси

**Ўқувчиларни бир умумий ўрта таълим
муассасасидан бошқасига ўтказиши бўйича
давлат хизматини Портал орқали
кўрсатиш**

Портал орқали мурожаат қилиш қуйидаги тартибда амалга ошади:

- Ⓐ Ариза берувчи фарзандининг ўқишини кўчириш учун Порталда рўйхатдан ўтади.
- Ⓑ Сўровномани электрон равища мустақил тўлдиради ва унга отонаси ўрнини босувчи шахслар бўлган тақдирда, уларнинг қонуний вакили эканлигини тасдиқловчи ҳужжат илова қилинади:

Сўровномани қуйидаги кетма-кетликда тўлдирилади:

қариндошлиқ даражаси белгиланади;

ариза берувчининг шахсий маълумотлари ва яшаш манзили “Электрон ҳукумат” тизими манзил-маълумотлар идоралараро интеграциялашув платформаси орқали олинади.

Ариза берувчи томонидан манзил-маълумотлар идоралараро интеграциялашув платформасидан олинган яшаш манзили тўғри эканлиги ёки яшаш манзилига аниқлик киритилгандан сўнг Портал орқали яшаш манзили тўғрисидаги маълумотларни электрон равища мустақил тўлдиради;

ариза берувчининг фарзандлари ҳақидаги маълумотлар тўлдирилади;

таълим тили танланади;

ўқиши кўчириладиган синф танланади;

ўқиши кўчириладиган умумтаълим мактаби танланади;

ўқишини кўчириш сабаби киритилади.



Эслатма: Ариза берувчи томонидан киритилган маълумотлар манзил-маълумотлар идоралараро интеграциялашув платформаси орқали олинган яшаши манзили тўғрисидаги маълумотлардан фарқли бўлса, ариза берувчи доимий яшаши манзилидаги Миграция ва фуқароликни расмийлаштириши бўлимига мурожсаат қилган ҳолда яшаши манзилига аниқлик киритади. Яъни яшаши манзилида доимий ёки вақтинчалик рўйхатда туришини Миграция ва фуқароликни расмийлаштириши бўлими орқали тасдиқлатган тақдирда Порталда унинг яшаши манзили кўринади.

Тўлдирилган сўровнома автоматик тарзда умумтаълим мактабига юборилади.

Умумтаълим мактаби сўровномани 3 иш кунида кўриб чиқади. Сўровномани кўриб чиқиш натижасига кўра умумтаълим мактаби ўқишини кўчиришга рухсат бериш ёки сабаби аниқ кўрсатилган ҳолда ўқишини кўчиришни рад этиш тўғрисида қарор чиқаради ва Портал орқали ариза берувчига маълумот юборади.



Кўйидаги ҳолларда ўқишини кўчириши рад этилиши мумкин:

- ✓ умумтаълим мактабида (қабул қилинадиган синфда) бўши ўринлар мавжуд бўлмаган тақдирда;
- ✓ сўровномада нотўғри маълумотлар кўрсатилганда.

Бошқа ҳолатларда ўқишини кўчириши рад этилиши мумкин эмас.

Ариза берувчи фарзандларининг умумтаълим мактабига ўқишини кўчиришга рухсат бериш тўғрисидаги маълумотни олгандан сўнг **3 кун муддатда** фарзанди ўқиётган умумтаълим мактабидан тегишли хужжатларни (боланинг соғлиғи тўғрисида тиббий маълумотнома ва ўқувчининг баҳолар (ўзлаштириш) табели асл нусхасини) олиб, ўқиши кўчириладиган умумтаълим мактабига тақдим этади.


Анъанавий шаклда ўқувчини синфдан синфга ўтказиш схемаси

Ота-оналар фарзандини синфдан синфга ўтказиш учун унинг сабабларини кўрсатган ҳолда мактаб директори номига ариза билан мурожаат қиласди



Мактаб директори аризани қабул қилиб олган кундан бошлаб **бир иш куни** ичида кўриб чиқади ва ўқувчини синфдан синфга ўтказиш тўғрисида буйруқ қабул қиласди.

Синфдан синфга ўтказиш рад этилганлиги ҳақида (синфдаги ўқувчилар сони белгиланган меъёрдан ортиқ бўлган тақдирда) мактаб директори томонидан **уч кун** ичида ота-оналарга ёзма равишида маълум қилинади.



Мактаб директорининг ўқувчини синфдан синфга ўтказиш тўғрисидаги буйруғи қабул қилингач, **уч кун** ичида синф журнали ва ўқувчилар ҳаракати дафтарига тегишли ёзув киритилади.

Ўқувчининг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар (бундан буён матнда ота-оналар деб юритилади) ўз хоҳишига кўра **ўқув йили давомида ёки у тугаганидан сўнг** фарзандини синфдан синфга ўтказиш ҳуқуқига эга.

Анаъанавий шаклда ўқувчини бир мактабдан бошқасига ўтказиш

Ота-оналар фарзандини бир мактабдан бошқасига ўтказиш учун унинг сабабларини кўрсатган ҳолда ўқувчи таълим олаётган мактаб директори номига ариза билан мурожаат қиласди

Ариза мактаб директори томонидан **1 иш куни** ичида кўриб чиқилади ва ўқиши давом эттириш учун танланган мактабга тақдим этиш учун **мактабдан кетиш талони** берилади.

Ота-оналар фарзанди ўқиши давом эттириши учун танланган мактаб директорига ўқишига қабул қилиш тўғрисида ариза билан мурожаат қиласди. Аризага мактабдан кетиш талони илова қилинади.

Ўқиши давом эттириш учун танланган мактаб директори ариза ва мактабдан кетиш талонини қабул қилиб олгач, **шу қуннинг ўзида** ота-оналарга ўқувчи таълим олаётган мактабга тақдим этиш учун ушбу мактабга келиш талонини беради.

Ўқувчи таълим олган мактаб директори мактабга келиш талонини қабул қилиб олгач, **шу қуннинг ўзида** ўқувчини мактаб ўқувчилари сафидан чиқариш тўғрисида буйруқ қабул қиласди. Мактаб директори мазкур буйруқ билан ота-оналарни таништирганлиги тўғрисида имзо қўйдириб, уларга қуидаги хужжатларни тақдим этади ва хужжатлар берилганлиги тўғрисида тилхат олади (ўқувчининг мактаб ўқувчилари сафидан чиқарилганлиги тўғрисидаги буйруқдан кўчирма, ўқувчининг баҳолар (ўзлаштириш) табели, ўқувчининг тиббий картаси)

Ўқиши давом эттириш учун танланган мактаб директори мазкур хужжатларни қабул қилиб олгач, **шу қуннинг ўзида** ўқувчини мактаб ўқувчилари сафига қабул қилиш тўғрисида буйруқ чиқаради.

Мактаб директори мазкур буйруқдан кўчирмани **1 иш куни** ичида ўқувчи илгари таълим олган мактабга маълумот учун юборади.

Ўқувчини ўқувчилар сафидан чиқариш тўғрисида ёки мактаб ўқувчилари сафига қабул қилиш тўғрисида буйруқ чиқарилгач, **3 кун** муддатда синф журнали ва ўқувчилар ҳаракати дафтарига тегишли ёзув киритилади.

(вилоят (республика, шаҳар), туман (шаҳар))

**-сонли мактабдан
КЕТИШ ТАЛОНИ**

Ушбу талон 20 ____ йил _____ да _____ тумани (шахри)даги
-сонли мактабнинг ____ -сinf ўқувчиси _____
(ўқувчининг Ф.И.О.)

бошқа мактабга ўтказилаётгандигини тасдиқлаш учун берилди.

(имзо)
М.Ў.

(мактаб директорининг Ф.И.О.)

Мактаб директорининг
телефон раками: _____

(вилоят (республика, шаҳар), туман (шаҳар))

**-сонли мактабга
КЕЛИШ ТАЛОНИ**

Ушбу талон 20 ____ йил _____ да _____ тумани (шахри)даги _____
-сонли мактабнинг ____ -сinf ўқувчиси _____
(ўқувчининг Ф.И.О.)

у _____ тумани (шахри)даги ____ -сонли мактабга кетиш талонини
топширгандигини тасдиқлаш учун берилди.

(имзо)
М.Ў.

(мактаб директорининг Ф.И.О.)

Мактаб директорининг
телефон раками: _____



Ўқиши давом эттириш учун танланган мактабга ўтказилган ўқувчи **10 кун ичида сабабсиз ёки мактаб раҳбарияти ва синф раҳбарини хабардор қилмасдан** дарс машғулотларига келмаса, мактаб директори бу ҳақда отаоналарни, ўқувчининг яшаш жойидаги Болалар масалалари бўйича туман (шаҳар) комиссиясини ҳамда ўқувчи илгари таълим олган мактаб директорини ёзма равишда огоҳлантиради ва бир вақтнинг ўзида ўқувчининг дарсларга келмаганлиги сабабларини аниқлаш ва уни дарс машғулотларига жалб этиш чораларини кўради.

Ўқувчини хорижий давлатдаги таълим муассасасига ўтказиш



Ота-оналар **ўқиши, ишлаш, узок муддатли даволаниш ёки бошқа мақсадларда** доимий ёки вақтинча яшаш учун хорижий давлатга кетаётган бўлса, фарзандини доимий ёки вақтинча яшаш учун кетаётган давлатдаги таълим муассасасига ўтказиш ҳукуқига эга. Ўқувчиларни хорижий давлатдаги таълим муассасасига ўтказиш қўйидаги тартибда амалга оширилади.




Болани хорижий давлатдаги таълим муассасасига ўтказиш муносабати билан умумий ўрта, ўрта маҳсус ва профессионал таълим муассасасидан чиқариш факат **таълим муассасаси жойлашган туман (шаҳар) комиссиясининг розилиги (қарори)** билан амалга оширилади.



Ота-оналар фарзандини хорижий давлатдаги таълим муассасасига ўтказиш учун унинг сабабларини қўрсатган ҳолда мактаб директори номига ариза билан мурожаат этади.

Аризага Болалар масалалари бўйича туман (шаҳар) комиссиясининг вояга етмаганни мактаб ўқувчилари сафидан чиқариш учун розилиги акс этган қароридан кўчирма илова қилинади.



Ариза мактаб директори томонидан **1 иш куни** ичида кўриб чиқилиб, ўқувчини мактаб ўқувчилари сафидан чиқариш тўғрисида буйруқ қабул қилинади.



Ўқувчилар сафидан чиқариш тўғрисидаги буйруқ қабул қилингач, **3 кун** ичида синф журнали ва ўқувчилар ҳаракати дафтарига тегишли ёзув киритилади.

Хорижий давлатда таълим олган Ўзбекистон Республикаси фуқаросини Ўзбекистон Республикасидаги мактабга ўтказиш



Ота-оналар хорижий давлатда таълим олган Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган фарзандини Ўзбекистон Республикасидаги мактабга ўтказиш ҳуқуқига эга.

Хорижий давлатда таълим олган болани Ўзбекистон Республикасидаги мактабга ўтказиш учун ота-оналар томонидан мактаб директорига қўйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

- ✓ ота-она томонидан мактаб директори номига ариза;
- ✓ боланинг хорижий давлатда таълим олганлиги ҳақидаги ҳужжатнинг (ҳужжатларнинг) асли ва нотариал тасдиқланган таржимаси;
- ✓ боланинг соғлиғи тўғрисида тиббий маълумотнома;



Мактаб директори
тақдим этилган
ҳужжатларни **бир иш куни** ичида кўриб чиқади ва
болани мактаб ўқувчилари
сафига қабул қилиш тўғрисида
буйруқ чиқаради.



Болани мактаб
ӯқувчилари сафига қабул
қилиш тўғрисида буйруқ
чиқарилгач, **уч кун** муддатда
синф журнали ва ўқувчилар ҳаракати дафтарига тегишли
ёзув киритилади.

Боланинг хорижий давлатда таълим олганлиги ҳақидаги ҳужжат мавжуд бўлмаганда, мактаб директори болани унинг ёши ва билим даражасига мос синфга қабул қилиши лозим.

ҚАЙДЛАР УЧУН
